



ЖИНОЯТ ИШИ БЎЙИЧА ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ ШАРТЛАРИ

Саттаров Улмасжон Бахтиёрович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Ulmassattarov1987@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6369572>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 17-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

ҳаракатлар
стратегияси,
жабрланувчи,
айбланувчи, далил,
мақбул далил, номақбул
далил,
рағбатлантирувчи
нормалар,
жавобгарликдан озод
қилиш, Жиноят-
процессуал кодекси,
суриштирувчи,
терговчи, прокурор, суд,
дахлсизлик.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада жиноят процессининг алоҳида институти бўлган далиллар масалари таҳлил қилинган. Амалдаги Жиноят-процессуал қонунчилиги қоидалари асосида далил тушунчаси, тавсифи, турлари таҳлил қилинган. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жиноий таъқиб, айбни исботлаш жараёнларида қонунийликни, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари далилларнинг мақбуллиги масалалари таҳлил қилинган. Хусусан далилларни мақбул ва номақбул далил деб топилганининг тартиби ва шартлари. Далиллар номақбул деб топилганда, шахсни жавобгарликдан озод қилиш масалалари, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда процессуал қоидаларга риоя қилишнинг аҳамияти масалалари таҳлил қилинган ҳамда мазкур институтни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ соҳасини ҳам қамраб олмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳақиқий демократияга асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини қонун чиқарувчи ва ижро етувчи ҳокимиятлардан холи равишда холис, мустақил тармоқ сифатида мустаҳкамлаш, мамлакатда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг юқори даражада

ҳимояланишини таъминлаш бўйича қатор ишлар, янгиланишлар амалга оширилиб келинмоқда. Барча ислохотлар туб негизда албатта инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, уларнинг учинчи шахслар томонидан бузилишларини олдини олиш ва ҳимоя қилиш – ягона мақсади ётади. Юртимизда кенг кўламда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар суд-ҳуқуқ соҳасини изчил равишда босқичма-босқич либераллаштириш сиёсатининг қай даражада ўз натижасини бераётганлиги



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган олийжаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ етиш десак адашмаган бўламиз (104 б) Бош Қомусимиз бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва еркинликлари ҳамда қонун ва қонуности ҳужжатлари билан вужудга келадиган мажбуриятлари белгилаб қўйилган бўлиб, хусусан шахснинг агар бирор бир жиноий қилмишга дахли бўлмаса, ёинки, унда шахснинг айби бўлмаса, қонун билан ушбу шахснинг шахсий дахлсизлиги ва ўзини ҳимоя қилиши кафолатланади. Ушбу инсонпарварлик принципи Конституциямизнинг 26-моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга мувофиқ, жиноят содир етганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ушбу нормада агар бирор бир шахс маълум бир жиноят *ishida* айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинган бўлса ҳам, ўша шахсни айбдор деб топиш учун қуйидаги асосий хусусиятларнинг мавжудлиги талаб қилинмоқда:

Жиноят иши судда, қонуний тартибда кўриб чиқилиши лозим. Албатта, биз биламизки, тергов-суриштирув органларида шахснинг айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиниши унинг ушбу иш бўйича айбдор эканлиги ва қонунга мувофиқ

жавобгарликка тортилишини англатмайди, балки ушбу жараён тўлақонли ўз поёнига етиши учун судда ушбу шахс ҳақиқатда, қонуний тартибда айбдор деб топилиши керак бўлади.

Судда жиноят ишининг ошкора кўриб чиқилиши. Жиноят-процессуал ҳуқуқининг ошкоралик принципига мувофиқ барча жиноят ишлари судда ошкора кўриб чиқилади, фақатгина қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Айбнинг исботланиши. Шахснинг жиноят *ishida* айбланувчи ёхуд айбдор деб топиб, уни жазога ҳукм қилиш учун енг зарур жиҳат – бу, унинг айбини етарлича далиллар билан исботлай олишдир. Бу жараёнда далиллар, умуман олганда, жиноят-процессда далилларнинг аҳамияти юқори бўлиб, далилларсиз ишнинг силжишида сусткашлик ва айбдор шахсларнинг жазодан қутулиб қолишларига имкон туғилмоқда (03/19/563/3685-сон)

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Жиноят Кодексининг 9-моддасига кўра, жиноят ишига жалб қилинган шахс унинг айблилик даражаси фақатгина далиллар ёрдамида исботланган ижтимоий хавфли бўлган қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Шунинг учун жиноят процессида далиллар ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлар енг муҳим масалалардан ҳисобланиб, содир етилган ҳар бир жиноятни тезкорлик ва самарадорлик билан тўла очиш, жиноят содир етишда айбли бўлган шахсларни айби исботланганидан кейин жиноий жавобгарликка тортиш, айбсиз шахсларни еса жиноий



жавобгарликка тортиш ҳолларини бартараф қилиш ва реабилитация қилинишини таъминлаш, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган криминалогик шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф етишдек муҳим вазифаларни ҳисобга олиш ҳар бир ўрганилаётган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқариш заруратини тақозо этади. Жиноят ишлари суриштирув-тергов ва суд муҳокамасида юритилаётганда далиллар воситасидагина ҳақиқатни аниқлаш орқали исботлаш жараёни рўёбга чиқиши мумкин. Далиллар назарияси далилларни тавсифлаш, далил ва исбот қилиш тушунчаларининг назарий асосларини, исбот қилиш ҳуқуқини амалиётда қўллашни, исбот қилиш ҳуқуқи бўйича юридик меъёрларнинг ўзини ҳам, суд амалиётини ҳам такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади. Мазкур соҳа назарий асосларнинг қонун билан тартибга солиниши, хорижий давлатлардаги турли тизимларни, далиллар тарихини, далиллар ва исбот қилиш жараёнига оид баҳсли назарий муаммоларни ўрганади (9-б)

Бевосита далиллар тушунчаси ва уларнинг хусусиятларига ўтадиган бўлсак, жиноятларни исбот қилиш жараёнида далилларнинг аҳамияти ҳамиша муҳим саналаверади. Чунки далил тушунчаси махсус жиноят-процессуал маънода ўзига хослик касб этади. Далилларнинг бир-бирига бевосита алоқадорлиги ва бир-бирига боғлиқлиги, ишончлилиги, қонунда йўл қўйилган асосларга мувофиқ

мақбуллиги, далилларни излаш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш доираси, маълум бир турдаги тергов ҳаракатларини далил деб ҳисоблашнинг махсус процессуал қоидалари ва бошқа ҳолатлар умумий далил тушунчаси негизида ётади.

Ҳозирга қадар ва ҳозир ҳам далиллар: уларнинг назарияси ва амалиёти бўйича ёзилган асарларда далил тушунчаси юзасидан турлича қарашлар мавжуд. Frederick Счауернинг фикрича, далилларга оид қоидалар бир неча асрлардан бери шаклланиб келмоқда ва Янги дунёга Инглиз-Америка оммавий ҳуқуқи қоидалари асосида кириб келганлиги бонг урилади. Унинг мақсади ҳар икки тараф учун ҳам адолатни таъминлаш ва исботлашдаги аҳамияти кам бўлган material-ҳодисалардан фойдаланишни чеклаш еди¹. Шунингдек, Счауер энг кам аҳамиятли далил – бу гувоҳлик кўрсатмаси еканлиги, негаки гувоҳларнинг ҳақиқатни айтаётганликларини аниқлаш имконсиз ва ўша даврларда ҳаттоки оила аъзолари ва яқин қариндошларини тутқинликда сақлаш орқали асл ҳақиқатни аниқлашга-да еришилганлигини таъкидлайди (165-202, 14-15)

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши мустаҳкамланган бўлиб, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Бундан ташқари фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги кафолати



сифатида шу нарса белгиланганки, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда инсон ҳуқуқларини энг кўп чекловчи ҳолат бу унинг жиноий жавобгарликка тортилишлигини инобатга олсак, жиноий таъқиб, айбни исботлаш жараёнларида қонунийликни, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди” деб айбсизлик презумцияси мустаҳкамланган. Шахнинг айбини аниқлашда эса жиноят процессининг исботлаш институти, ҳамда далиллар мақбуллигини таъминлаш масалалари энг муҳим ўринни эгаллайди.

Жиноят процессуал кодексининг 11-моддасида қонунийлик принципи талабларига кўра, “Судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шарт.

Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай

чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади”. Демак далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда, оғишмай риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Дунёда жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни фош этиш, жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш, айбсиз инсонни жавобгарликка тортилмаслиги ва реабилитация қилинишида далиллар мақбуллигига риоя қилиш институти муҳим роль ўйнайди.

Демократик жамиятда инсон қадр-қиммати, шахс ҳуқуқлари мустақил ва юксак ижтимоий бойлик ҳисобланади. Ҳақиқатни аниқлаш уларни бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги керак. Шунинг учун далилнинг мақбул эмаслигини эътироф этиш у нафақат тегишли бўлмаган манбадан олинган тақдирда, балки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиддий равишда бузган ҳолда олинганда ҳам вужудга



келиши керак. Ҳақиқий маълумотлар ноқонунийлиги ҳамда шахсинг конституциявий ҳуқуқларини бузиш билан боғлиқ бўлмаган процессуал шакл нуқсонларига нисбатан бошқача ёндашув зарур. Ахборот олиш ва уни қайд этиш тартибининг қоидалари далиллар ишончилигини таъминлашга қаратилгандир, шунинг учун ҳам уларни баҳолаш ушбу умумийроқ вазифани ҳал қилишнинг таркибий қисмига айланади. Агар йўл қўйилган қоидабузарликларни бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказиш йўли билан бартараф этиш мумкин бўлса, улар жиддий эмас, яъни ҳар томонлама, тўла ва холисона тергов қилишга таъсир этмаган деб ҳисобланиши мумкин, далилларни эса келгусида тадқиқ этишга ва баҳолашга йўл қўйилиши мумкин. Кўпинча бу нарсаси қонун билан белгиланган далилларни қайд этадиган процессуал шаклга тегишлидир. Гувоҳ, гарчи у ўзини сўроқ қилиш баённомасига терговчи айби билан имзо чекмаган бўлса, тергов борасида берган ўз кўрсатувлари тўғри ёзилганлигини судда тасдиқлаши мумкин; холис кўздан кечириш ўтказилишидаги ўз иштирокини гувоҳлантириши мумкин; унинг кўрсатувлари тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларни сўроқ қилиш орқали тасдиқланиши мумкин ва ҳоказо. Айтилганлар процессуал шаклга риоя этиш талабини қандайдир бўшаштириш, уни менсимаслик деб баҳолаши керак эмас. Ҳуқуқий нигилизм одил судлов учун охири-оқибатда қимматга тушади. Шу ўринда айтиш мумкинки, процессуал

шаклга риоя этмаслик прокурор томонидан ишни қўшимча терговга қайтаришга сабаб бўлади (ЖПКнинг 385-м. 3-қ.); кассация инстанциясидаги суд бунда жиноят-процессуал меъёрларни жиддий бузиш мавжуд деб эътироф этиши (ЖПКнинг 487-м.) ҳамда шу асосга кўра жиноят ишини қўшимча терговга қайтариши ёки янги суд муҳокамасига қўйиши мумкин.

Жиноят иши бўйича далилларнинг мақбуллиги шарти сифатида процессуал шаклга риоя этиш масаласини кўриб чиқиш муносабати билан (ЖПКнинг 95-м. 3-қ.) у ёки бу исботловчи ахборот қайд этиладиган жиноят -процессуал ҳужжатларга қўйиладиган талаблар ҳақида эслатиб ўтмаслик мумкин эмас. Жиноят процессуал ҳужжатлар ҳуқуқий меъёрларни қўллашнинг шахсий-ҳуқуқий ҳужжатлари бўлиб, ҳамма вақт қонуний, асосланган, сабаблари кўрсатилган, ишонтирадиган, мантиқий, саводли ва маданиятли, шунингдек яхлит ҳолда юқори самарали равишда расмийлаштирилиши керак. Бунда қонунийлик шуни англатадики, тузилган процессуал ҳужжат ҳуқуқий меъёрларга қатъий мувофиқ бўлиши, уларнинг асосида ва уларни ижро этиш тариқасида қабул қилиниши керак (ЖПКнинг 11-м.). Асосланганлик жиноят-процессуал ҳужжатнинг хусусияти сифатида шуни англатадики, у бўйича ҳулосалар ва қарорлар фактлар йиғиндисида, у ёки бу процессуал қарор қабул қилиш учун етарли далилларга бўлган асосланиши, тегишли жиноят-ҳуқуқий ва процессуал меъёрлар

кўрсатилишидан иборат бўлиши керак.

Жиноят-процессуал ҳужжатнинг асос ва сабабларини кўрсатиш қабул қилинаётган қарорда мавжуд бўладиган далилларни келтириш демакдир. Процессуал ҳужжатнинг ишонарлилиги унинг у ёки бу ҳолда қабул қилинган процессуал қарор тўғрилиги нуқтаи назаридан аксиологик баҳоланишидир. Ҳуқуқий ҳужжатни баҳолаш чораси сифатида ишонарлилигининг асоси адолат ҳисобланади. Бу барчанинг қонун ва одил судлов олдида тенглигидан далолат беради.

Мантиқ талабига кўра процессуал ҳужжат матни қатъий мантиқ жиҳатидан изчиллик билан баён этилиши керак, унинг ҳар бир кейинги қисми аввалгисининг давоми бўлиб, ундан қонуний равишда келиб чиқиши керак. Мантиқийлик баён этилишининг қарама-қаршилигини, изчил эмаслигини, хулосалар ва қабул қилинаётган қарорларнинг ноаниқлигини истисно этади.

Ниҳоят, шуни ҳам айтиш керакки, процессуал қарорлар ҳам морфологик ва синтаксис, ҳам қонун тили жиҳатидан аниқ, равшан ва саводли бўлиши, тегишли ҳужжатда баён этилиши керак. Бирхиллаштирилган иш қоғозларидан, ёзув машинкасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуниси ҳам муҳимки, ҳужжат тоза стандарт қоғоз варақида тайёрланиши керак.

Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув қўшимча

далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

Далиллар мақбуллигига риоя қилиш биринчи навбатда одил судловни амалга оширишнинг энг муҳим шартларидан деб ҳисоблайман. Ҳаммамизга маълумки, 2017 йилга қадар қанчадан қанча фуқароларимиз оддий бир кўрсатма асосида ёки ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган далиллар асосида жабр кўриб, оғир жазога тортилганлар. Бу асоссиз ҳукмлар охириги йилларда Президентимиз томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган самарали ишлар натижасидагина адолат қарор топиб, қанчадан қанча давр қурбони бўлган фуқароларимиз оқланди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки Судьяларимизни бир ҳолат қийнайди. Далиллар мақбуллиги қоидалари бузилган бўлсада, шахс жиноят содир этганку ёки жиноят процессуал қонун талабларининг арзимаган қисми бузилгани билан шахс жиноят содир этганку, бошқа далиллар билан шахснинг жинояти аниқланганку, ҳақиқат аниқланган бўлса, энди нима сабабдан шахсни ҳаракатларини ЖПКнинг 83-модда билан тугатиш ёки оқлов ҳукми чиқариш керак деган саволни беради. Аммо Жиноят процессуал қонунимизда далиллар мақбуллигига риоя қилмаслик натижасида олинган ҳар қандай далил ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги, ушбу далиллардан фойдаланиш мумкин эмаслиги қайд этилган. Агар биз қонунийлик принципига риоя қилишимиз керак бўлса аалбатта қонун талабига қатъий риоя



қилишимиз шарт. Жиноят ишини юритувчи ваколатли органлар дастлаб, далиллар мақбуллиги нормалари бузилдими, демак жиноят ишини шахснинг фойдасига ҳал қилишлари керак.

Яна бир асосий камчилигимиз судьяларимиз томонидан процессуал қонун талаблари бузилганлиги, яъни далиллар номақбуллиги суд муҳокамасида аниқланган бўлсада, оқлов ҳукми чиқармаслигини амалиётда кўп кўрамиз. Демак савол туғилади, нима сабабдан? Менинг фикримча судьяларимиз оқлов ҳукми чиқаришга журъати етишмайди ёки йиллар давомида судьяларимиз айблов функцияси позициясида бўлганликлари сабабли оқлов ҳукми чиқаришни ҳаёлига келтира олмайди. Аммо жиноят процессуал қонунимиздаги қонунийлик, инсонпарварлик, одил судлов принциплари бузилишига, халқимизнинг судга бўлган ишончни йўқолиши каби салбий фикр шаклланиши ҳақида ўйламаймиз.

Юқоридагиларни инобатга олиб, далиллар мақбуллигига риоя қилиш жуда долзарб ва ўта муҳим деб ҳисоблайман.

Далиллар мақбуллигига риоя қилиш муаммоларининг асосий мазмуни, масаланинг амалиётдаги ҳолати ва мавжуд муаммоларни танқидий таҳлил этиш, масала юзасидан назарий позициялар, амалиёт материаллари ва статистик маълумотлардан самарали фойдаланган ҳолда масалани назарий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш.

Далиллар мақбуллиги ҳақидаги сўз юртар эканмиз аввало далил тушунчасига тўхталсак. Жиноят

процессда далил – бу ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади. (ЖПК 81-м)

Суриштирувчи, терговчи ва суд томонидан олинadиган бу маълумотлар содир этилган ҳодиса ёхуд у билан боғлиқ бўлган ҳолатлар хусусида хилма-хил бўлиши мумкин. Улар одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари шунингдек жисмоний ва руҳий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Аммо муайян манбада бўлган, ўз-ўзидан олинган ҳақиқий маълумотларни жиноят иши юзасидан далиллар сифатида ҳали ҳисоблаш мумкин эмас. Улар бундай бўлиши учун албатта шундай юридик сифатларга эга бўлиши керакки, улар, одатда ишга алоқадорлик ва мақбуллик деб аталади.

Далилларнинг мақбуллиги қуйидагиларни назарда тутди: маълумотларнинг келиб чиқишини



билиш ҳамда уларни текшириш имконияти, ушбу маълумотлар тўғрисида хабар бераётган шахс томонидан уларни қабул қилиш имконияти, исбот қилишнинг ҳам умумий қоидаларига, ҳам муайян турдаги ахборотни тўплаш ва қайд этиш қоидаларига риоя этиш, процесснинг муайян босқичини тартибга соладиган ҳамда жиноят ишини юритаётган шахснинг ваколатларини белгилайдиган қоидаларига риоя этиш. Жиноят процессуал кодексининг 81-моддаси 2-қисми талабларига кўра, қонунда белгиланмаган манбалардан олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Миш-мишлар, тахминлар, тезкор-қидирув маълумотлари далил сифатида кўрилиши мумкин эмас. Улар текширилгунга ҳамда процессуал ҳаракатлар йўли билан тасдиқлангунга қадар тахминий хусусиятгагина эга бўлади, муайян тахминларни, далиллар жойлашган жойни ва шу кабиларни кўрсатиши мумкин.

Исботлашни тартибга соладиган меъёрларни жиний равишда бузганлик натижасида олинган маълумотлардан далиллар сифатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси 3-қисмида мустақамлаб қўйилганидек, далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади. «Белгиланган тартибда» деган тушунча шуни англатадики, биринчидан, маълумотлар фақат қонунда белгиланган манбалардан,

яъни ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмига кўра гувоҳнинг, жабрланувчининг ва шу кабиларнинг кўрсатувларидан олинган ва иккинчидан, улар қонунда назарда тутилган процессуал шаклларда қайд этилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, суриштирув, тергов ва суд органларининг барча хулосалари қонунда кўрсатилган манбалардан олинган, ишончли ва ҳолисона аниқланган фактларга асосланиши керак.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар.

Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92 - 94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса,

уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Далиллар мақбуллиги деганда, далилни қонунда белгиланган манбадан, фақат ваколатли шахслар томонидан олиш усуллари ҳамда қайд этиш нуқтаи назаридан тавсифловчи сифат тушунилади. Одил судловни амалга оширишда қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Далилларни мақбул деб эътироф этиш шартлари қуйидагилардир:

1) далил мазкур иш бўйича процессуал ҳаракат олиб боришга ваколатли субъект томонидан олиниши керак (ЖПКнинг 86-м.);

2) ҳақиқий маълумотлар фақат ЖПКнинг 87-моддасида санаб ўтилган манбалардан олиниши керак;

3) далил процессуал ҳаракат олиб бориш қоидаларига тўла риоя этган ҳолда олиниши керак;

4) далил олишда қонуннинг тергов ҳаракатлари олиб борилишини ва натижаларини қайд этиш тўғрисидаги барча талабларига риоя этилиши керак.

Далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, далиллар мақбулликка тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига риоя қилинмаслиги далилнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлади.

Тўғри процессуал қарор чиқаришнинг энг муҳим шarti ишончли далилларнинг мавжудлигидир. Далил мазмунининг ҳақиқийлиги (яъни

ундаги ҳақиқий маълумотларнинг воқеликка мувофиқлиги) тўлиқ, сўзсиз ишончга эгаллиги эътироф этилган тақдирда у ишончли ҳисобланади. Далил ишончлилиги уни дастлабки тергов ва судда синчковлик билан текшириш орқали аниқланади.

Далилнинг ишончлилигини аниқлаш учун нафақат унинг ташқи аломатларини билиш ва баҳолаш керак, балки ҳар бир муайян ҳолда унинг моҳиятини чуқур англаш, унинг энг муҳим ва жиддий аломатларини, хусусиятларини ва иш учун аҳамиятини билиш зарур. Далилнинг моҳияти шундан иборатки, англашда ҳодиса ва моҳият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ётади.

Далилнинг ишончлилиги ҳақидаги саволга ҳақиқий маълумотлар манбаини ҳамда далилни шакллантиришнинг олиб борилишини биргаликда синчковлик билан ва ҳар томонлама ўрганиш натижасида жавоб бериш мумкин (сўроқ қилинганнинг ахборотни қабул қилиш, эслаб қолиш, қайта акс эттиришга қодирлиги, бу жараёнларга таъсир этувчи, содир этилган ҳодисанинг ҳақиқий манзарасини уни идрок этган шахс кўз олдида ўзгартириши мумкин бўлган фактлар, гувоҳнинг айбланувчи ва жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари, моддий излар пайдо бўлиши ва сақланиши шароитлари ва ҳоказо). Алоҳида далилнинг ишончлилиги ҳақидаги якуний қарор унинг мазмунини бошқа процессуал манбалардан олинган ахборот билан солиштириш натижасида қабул қилиниши мумкин. ЖПК 951-моддасига кўра, агар фактик маълумотлар қонунга хилоф усуллар



орқали ёки жиноят процесси иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинган бўлса, шу жумладан:

- 1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;
- 2) уларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) йўли билан;
- 3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;
- 4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;
- 5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;
- 6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг ўз ташаббуси билан ёки

иштирокчиларнинг илтимосномаси бўйича аниқланади. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья далилларнинг мақбул эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганида ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб олиши ва асослантирилган қарор қабул қилиши шарт.

Ушбу ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг ЖПК моддаларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуний нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида қайд этилиб, судларга тушунтирилган бўлсада, амалиётда эса, судлар томонидан далиллар мақбуллиги бузилган ҳолатлар судда аниқланган далиллар билан ўз исбатини топсада, процессуал шакл бузилганлиги асос қилиниб, жиноят ишини тугатиш ҳолатлари учрамайди. Мен бунини судьяларимизни айблов функциясига, тергов позициясига ўтиб қолганлигида деб биламан. Суднинг вазифаси айблов ёки терговнинг камчиликларини тузатиш эмас.

Менинг фикримча агар судья фаолияти давомида атиги битта жиноят иши бўйича суд муҳокамаси давомида процессуал шакл бузилганлиги ёки номақбул далилдан фойдаланилганлик ҳолати аниқланганлиги жиноят ишини ЖПКнинг 83-моддаси билан тугатса, тергов сифати анча тартибга кирган, прокурор, терговчи, суриштирувчи



жиноят ишини тергов қилишга масъулият билан ёндашган бўлар эди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга қўра юз берганлигидан қатъи назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади. Номақбул далиллар эса юридик кучга эга бўлмайди ва улардан исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Шу ўринда савол туғилади - қонуний тартиботнинг бундай қатъийлиги тергов ва одил судлов сифатини оширишга хизмат қилиб эмас, балки жиноят содир қилган шахслар учун жавобгарлик муқаррарлигига путур етказиб қўймасмикан? Ва ушбу норма амалиётда сўзсиз қўлланилишининг қанчалик имкони бор. Иккинчи тарафдан эса қандай қилиб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўзлари қонунбузарликка йўл қўйиб бошқа шахс қонунга риоя қилмагани учун айблаши мумкин. Бу масаланинг ечими алоҳида бир шахснинг манфаати ва жамият манфаати ўртасидаги мувозанатга бориб тақалади.

Афсуски, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жуда кўп ҳолларда судлар далиллар мақбуллигини таъминлашга етарлича эътибор қаратмайдилар. Масалан, шундай ҳолатни олайлик. Терговчи томонидан гумон қилинувчини ушлаш вақтида (гумон қилинувчини ўз вақтида ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланмаганлиги, унга ҳимоя ҳуқуқи тушунтирилмаганлиги ва бошқалар) ҳимоячи иштирок этиши

мажбурий ҳисобланади. Унинг иштироки тергов ҳаракатлари ўтказиш жараёнида шартдир. Лекин аксарият ҳолларда ҳимоячилар тергов ва суриштирув органлари томонидан гумон қилинувчини ҳимоя ҳуқуқи билан реал таъминлашда иштирок этиш имкони бўлмайди. Лекин тергов ҳаракати ниҳоясига етганидан сўнг улар терговчи ва суриштирувчининг сўзига ишониб ўзлари иштирок этмаган тергов ҳаракатлари бўйича рамсийлаштирилган ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш, ҳимоя билан реал таъминлаш ҳақидаги банномани имзоси билан тасдиқлайди. Суд эса ушбу ҳолатни аниқласада, хусусий ажрим чиқариш билан чекланади. Ёки процессуал шакл бузилганлигини асос қилиб, жиноят ишини тугатмайди, ёки оқлов ҳукми чиқармайди. Ваҳоланки ЖПКнинг 951-моддаси... 3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда... суриштирувдаги, дастлабки терговдаги судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган кўрсатувларидан олинган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади деб қайд этилган.

Аммо бугунги кунда ушбу ҳолатларга қарши муросассиз курашиш вақтида келди деб ўйлайман.

Юқорида таъкидланган икки манфаат ўртасидаги мувозанат масаласини хал қилиш учун, фикримизча, қонунчиликка далилларни номақбул деб топишнинг мезони сифатида “жиноят-процессуал қонунчилигини жиддий бузилиши” ва “жиноят ишини процессуал шакл бузилиши сабабли

ЖПКнинг 83-моддаси билан тугатиш” тушунчаси киритилиши лозим. Ушбу тушунча hozir ҳам mavjud бўлиб, бугунги кунда у фақатгина ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асоси сифатида мустаҳкамланган. Ушбу мезонни киритилиши далилларни тўплаш жараёнидаги унча ҳам жиддий бўлмаган, далилни ишончлилигига путур етказмайдиган қонун бузилишлари жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга имкон яратади. Лекин бунда судлар албатта далиллар тўплаш жараёнидаги ҳар бир йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолларини ўрганиши, улар юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари, зарур ҳолларда эса, Жиноят кодексининг мансабдорлик жиноятлари ёки одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг 2018 йил 24 августдаги

24-сонли “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ далилни номақбул деб топиш масаласи гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар томонидан қўйилиши мумкин. Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, қонунчиликда ушбу масала қандай шаклда кўтарилиши мумкин, далилни мақбул ёки номақбуллигини исботлаш кимнинг зиммасига юклатилади, номақбул деб топилган далилларнинг юридик кучини тиклаш тартиби, дастлабки тергов жараёнида ушбу масала қандай тартибда амалга оширилиши каби саволлар хануз очиқ қолмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Раҳбарий адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак". Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017-йил 14-январ. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2017. - 104 б.
2. Мирзиёев Ш.М. "Еркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо етамиз". - Т.: "Ўзбекистон", 2016. – 59 б.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019-й., 03/19/563/3685-сон.



2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.03.2019-й., 03/19/526/2701-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. – Тошкент: "Адолат", 2018-й. – 487 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 3723-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018-й., 07/18/3723/1225-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й., 6-сон, 70-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30-ноябрдаги "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5268-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017., 06/17/5268/0341-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018-йил 24-августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 24-сон қарори. Тошкент ш., 24.08.2018.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепсияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.10.2018-й., 06/18/5547/1975-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори №17, 13.12.2012.
10. Уголовно-процессуальный кодекс РФ. УРЛ: <https://www.zakonrf.info/upk/>. (10.04.2020 да мурожаат қилинган).
11. Criminal-procedural code of Germany (Германия жиноят-процессуал кодекси, инглиз тилида) //УРЛ: <http://www.cregli.org> (мурожаат қилинган вақт 01.04.2020)

3. Махсус адабиётлар:

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. // Муаллифлар жамоаси. / ю.f.d., доц. G.Z.То ғ лаганова ва ю.f.n., доц. S.M.Рахмоноваларнинг умумий таҳрири остида – Тошкент: ТДЮ нашриёти, 2016. – 468 бет.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Б. А. Миренский, А. Х. Раҳмонқулов, Д. Камалходжаев ва бошқ.; Ш.Т. Икрамовнинг умумий таҳрири остида. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси, ИИВ Академияси, 2012. – 587 б.
3. Иномжонов Ш.Х. Далиллар назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. / ю.f.d., проф. Г ғ.А.Абдумажидовнинг таҳрири остида. -Т.: 2006 йил. -135 бет.
4. Миренский Б.А., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. // Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси, ИИВ Академияси, 2002. – 154 б.
5. Тўлаганова Г.З. "Жиноят процесси муаммолари" – ўқув қўлланма. 2006-й. 65 б.
6. У.А.Тухташева. Уголовный процесс. Учебное пособие..Т.ТГЮИ. 2007 г.



7. Доля Е. Источник доказательств в уголовном судопроизводстве // Законность. 2011. № 12.
 8. Костенко Р.В. Новое понимание сущности доказательств в науке российского уголовного процесса // Библиотека криминалиста. Научный журнал. 2013. № 4. С. 171.
 9. M.J. Borge & L. Stevens. The Use of Illegally Gathered Evidence in the Dutch Criminal Trial. 2005.
 10. Alex Stein. Criminal procedure-a criminal defendant is entitled to a specific jury instruction when supporting evidence exists: Foundations of evidence law. 2005.
 11. Агутин А.В. Основы уголовно-процессуального доказывания в российском уголовном судопроизводстве. –М.,2010. Ст 254.
 12. Evidence in criminal investigations, guidance. Immigration enforcement, 2019. П 39. УРЛ: <http://www.academia.edu.com>. (мурожаат қилинган вақт: 02.04.2020)
 13. Григорьева Н. Исключение из разбирательства дела недопустимых доказательств. // Российская юстиция. -2001. -№11. –Б.5.
 14. Хомич В. Предварительная проверка материалов, послуживших поводом к возбуждению уголовного дела. // Законность. -2005. -№12. –Б.23.Комлев Б. Доказывание тяжести вреда, причиненного здоровью человека.// Уголовное право. - 2007. -4. –Б.65.
- Internet манбалари:
1. <http://www.lex.uz>.
 2. <http://www.norma.uz>.
 3. <http://www.ziyounet.uz>.
 4. <http://www.academia.edu.com>.
 5. <http://www.uza.uz>.